

# ШАРТНОМА № 21/06

Наманган шаҳри

« 6 01 2022 йил

## Шартнома тузувчи томонлар

Наманган вилоят «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ бундан буён «Обуна қилувчи» деб юритилувчи номидан раҳбар Мамадалиева Х бир томондан, Бағавалар деб аталувчи с.м.ш. и.ш. ва номидан бундан буён «Обуначи» деб аталувчи У.М.Захидов номидан У.М.Захидов иккинчи томондан қуйидаги мазмунда ушбу шартномани тузадилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Обуна қилувчи» ушбу шартномага асосан «Обуначи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги нашрларни етказиб беради. «Обуначи» етказиб берилган нашрларни қабул қилиб олиб тўлов хужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. «Обуначи» тўлов хужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

### 2. Шартнома баҳоси, нашрларни етказиб бериш ва ҳисоб-китоб тартиби.

- 2.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 4882430 туғри сўм ташкил этади.  
с.м.ш. и.ш. ва Бюджет маблағи ҳисобидан с.м.ш. и.ш. ва сўмни ташкил этади.  
Ривожлантириш жамғарма ҳисобидан с.м.ш. и.ш. ва сўмни ташкил этади.
- 2.2. Етказиб бериладиган нашрларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати ушбу шартноманинг 1-иловасида келтирилган.
- 2.3. «Обуначи» етказиб бериладиган нашрлар учун ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатда олдиндан 100% «Обуна қилувчига» тўлаб беради.
- 2.4. «Обуначи» га нашрлар «Обуна қилувчи» нинг ходимлари орқали етказиб берилади.
- 2.5. «Обуна қилувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда нашрларни етказиб беради.
- 2.5. «Обуна қилувчи» томонидан «Обуначи» га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада нашрларни етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун ҳақ тўламайди, томонларнинг ўзаро ёзма қўшимча келишувига асосан етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

### 3. Шартноманинг бажарилиши

- 3.1. Буюртмачи бажарувчи обуна ҳисоб рақамига 2022 йил даврий нашрлари учун шартномада кўрсатилган маблағларни олдиндан 100 фоиз миқдорида пул ўтказиш йўли билан тўлаб беради. 3 кун муддатда расмийлаштириш учун «Матбуот тарқатувчи» МЧЖга мурожаат қилади.
- 3.2. Мазкур шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.
- 3.3. «Обуначи» илгари берилган талабномани бекор қилишга ёки нашрларнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Обуна қилувчи» ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида бир ой олдин хабардор қилади.
- 3.4. «Обуначи» муддатлари ўтган ҳолларда етказиб берилган нашрларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 3.5. «Обуначи» «обуна қилувчи» томонидан нашрларни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз, муддати ўтган нашрларни етказиб берилган ҳолатларда шартномани «Обуна қилувчи» ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиш мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.